



2020 у « 27 » апрель

№ Қ-197

« ___ » _____ 20__ г

**Шеробод тумани “Э.Бердиев” массивидан
“SHEROBOD ANOR IMPEX” MChJга
“Замонавий иссиқхона ва логистика
маркази, маъмурий бино, анорни қайта
ишлаш цехи, музлатгич” қуриш учун ер
майdonи ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5-моддасига, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари-Инвестициялар ва ташқи савдо вазири С.Умурзоқов раҳбарлигида 2020 йил 01 апрель куни Сурхондарё вилояти ҳокимлигида ўтказилган 24/1-3058-сон йиғилиш баёнининг 20-бандига мувофиқ, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 13 апрелдаги 05-02/187-сон йиғилиш баёни ва Шеробод тумани ҳокимининг 2020 йил 06 апрелдаги 01-05/307-сон хатини кўриб чиқиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 13 апрелдаги 05-02/187-сон йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. “SHEROBOD ANOR IMPEX” MChJ Шеробод тумани “Э.Бердиев” массиви ҳудудидан туман ҳокимлиги захирасидаги 383-дала контуридаги тупроқ унумдорлиги 56,0 балл бонитетли 17,0 гектар суғориладиган экин ер майдонига замонавий иссиқхона қуриш ва 365қ-дала контуридаги 1,50 гектар қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдонига логистика маркази, маъмурий бино, анорни қайта ишлаш цехи ва музлатгич қуриш учун жами 18,80 гектар, шундан 17,0 гектар суғориладиган экин ер, 0,3 гектар ариқ ва зовурлар ва 1,50 гектар қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдонлари доимий эгалик қилиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

3. Вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (А.Ғаниев) ва Шеробод тумани ҳокимлиги (А.Амиров) ер майдони ажратилиши муносабати билан туман ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритишни таъминласин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари Х.Саматов ва А.Орипов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов